

## Мўғил татар қиссаси · ۱-қисм

**Абу Абдуллоҳ Шоший**

Ушбу дарс қуидаги мавзуларни ўз ичига олади: - Тарихни ўрганишнинг аҳамияти; - Мўғуллар зоҳир бўлган вақтида содир бўлган воқеаларнинг, хозирги кунимиздаги воқеаларга ўхшаш томонлари; - Мўғуллар оёққа турган вақтда оламнинг аҳволи; - Мўғуллар оёққа турган вақтда ислом умматининг ҳолати; - Мўғуллар

оёққа турған вактда салбчиларнинг  
холати;

<https://islamhouse.com/۳۹۰۶۷۶>

- Мўғул татар қиссаси ۱-кисм
  - Бисмиллаҳир роҳманир роҳим
  - Тарихни ўрганишнинг аҳамияти
  - Мўғул ҳодисаси ва ҳозирги кунимиз
  - Оlam Мўғуллар дунё саҳнасига чиққанда
  - Ислом Мўғуллар дунё саҳнасига чиққанда
  - Салибчилар Мўғуллар дунё саҳнасига чиққанда

- Вассаламу алайкум ва  
роҳматуллоҳи ва барокатух.

## Мўғул татар қиссаси '-қисм

### Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Барча мақтovлар Оллоҳга хосдир.  
Унга ҳамду сано ва истиғфорлар  
айтамиз, Ундан ёрдам сўраймиз,  
нафсларимиз ҳамда ёмон  
амалларимиздан паноҳ тилаймиз.  
Оллоҳ ҳидоят қилган кимсани  
адаштирувчи, адаштирган кимсани  
ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен  
шериксиз, ягона Оллоҳдан ўзга илоҳ  
йўқ ва Муҳаммад унинг бандаси ва  
элчисидир, деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Оллоҳдан ҳақ-рост  
қўрқиши билан қўрқинглар ва фақат  
мусулмон бўлган ҳолларингда  
дунёдан ўтинглар!»<sup>[1]</sup>

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан  
(Одамдан) яратган ва ундан жуфтини  
(Хаввони) вужудга келтирган ҳамда  
у икковидан кўп эркак ва аёлларни  
тарқатган Роббингиздан қўрқингиз!  
Яна ораларингиздаги савол-  
жавобларда ўртага номи солинадиган  
Оллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-  
урӯларингиз (билин ажралиб  
кетишдан сақланингиз)! Албатта  
Оллоҳ устингизда кузатувчи бўлган  
зотдир»<sup>[2]</sup>

«Эй мўминлар, Оллоҳдан  
қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар!  
**(Шунда Оллоҳ)** ишларингизни ислоҳ  
қиласди ва гуноҳларингизни  
кечиради. Ким Оллоҳга ва Унинг  
пайғамбарига итоат этса, бас у улуғ  
бахтга эришибди»**[۳]**

Ислом тарихини ўрганиш ва тарихда  
ўтган воқеа ва ҳодисалардан ибрат  
олиш мақсадида сухбат қуриб,  
сухбатимизни доктор Роғиб  
Сиржонийнинг дарсларидан  
фойдаланган ҳолда олиб борамиз.  
Хижрий VII-аср, мелодий XIII-  
асрларда ислом оламида содир  
бўлган воқеалар, "Мўғуллар тарихи  
бошланишидан, тор-мор

қилингунигача бўлган ҳодисалар", сухбатимиз мавзуси- дир.

Тарих ибратларга бой бўлиб, Оллоҳ таолонинг халқлар устида жорий қилган қонунларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. Ислом уммати тарихда кўп ҳодисалар гувоҳи бўлди, унинг энг аянчлиларидан бири мўғулларнинг ислом умматига бало бўлиб келгани, Ислом диёрларини вайрон қилганидир.

### Тарихни ўрганишнинг аҳамияти

Оллоҳ таолонинг ер юзида ўзгармас қонунларни жорий қилганлиги, инсонларга бўлган раҳматидандир.

Мана шу қонунлар сабабидан  
инсонларнинг ҳаёти давом этиб,  
сақланиб келади ва халқлар ҳаёт  
мобайнида шу қонунларга таянади.  
Агар ҳар бир замон ва маконда ўзига  
хос қонунлар бўлмаганида,  
инсонларнинг ҳаёти мураккаблашиб  
кетган ва барча ҳосил бўлган  
тажрибалар йўқолган бўлар эди.  
Лекин Оллоҳнинг фазли марҳамати  
билан ҳосил бўлган тажрибалар  
йўқолмайди, ҳаётимизда кеча содир  
бўлган ҳодиса бугун такрорланади,  
буғун содир бўлгани эса эртага  
қайтарилади ва мана шундай  
қиёматгача давом этади. Шу ўринда  
ислом тарихи ва ундан бошқа

тариҳларни ўрганишнинг аҳамиятини англашимиз мумкин бўлади. Содир бўлган воқеава ҳодисалар доим тақрорланиши билан бирга, бир-бирига айнан ўхшаш суратда юзага келади. Зотан, ер куррасида янги содир бўлган нарсанинг ўзи йўқ. Тариҳни ўрганар эканмиз, олдин бўлиб ўтган бирон ҳодисани ҳозирги кунимиздаги ҳодиса билан бир хиллигини билсак, биз унинг оқибати нима билан якун топишини осонгина хулоса қилишимиз мумкин бўлади. Агар бу ҳодиса ғалаба ва мувофақият билан тугаган бўлса, биз ҳам шу йўлдан давом этиб нусратга эришишимиз,

аксинча мағлубият ва  
мувофақиятсизлик билан якун  
топган бўлса, ўтганларнинг хатосини  
такрорламаслик учун, бу йўлдан узоқ  
бўлмоғимиз лозим бўлади. Шу  
тариқа тарихни ўрганиш, тарихни  
тартибга солади ва уни  
тирилтиради. Тарихни овуниш учун  
ёки университетлардагина ўрганиш  
ярамайди, балки воқеъликда амал  
қилиш учун ўрганишимиз лозим  
бўлади. Бу суратда тарихни ўрганиш,  
аниқ мақсадга қаратилган бўлиб, бу  
мақсад, ундаги ибратни баҳс  
этишдан иборатдир. **Оллоҳ таоло**  
**китобида шундай марҳамат қиласиди:**

"Дарҳақиқат, уларнинг қиссаларида ақл эгалари учун ибрат бордир"[\[ξ\]](#)

Оллоҳ таоло қуръоннинг учдан бир қисмини қиссалардан иборат қилдики, бу билан мусулмонлар, ўтган умматлардаги Оллоҳнинг қонунларини ўрганишлари ва бу қонунларнинг событ, барқарор эканини билишлари, воқеа содир бўлишидан олдин унга таёргарлик кўра билишлари ва ундан фойда олишлари учундир. Бунга ҳар бир қиссани чуқур ва атрофлича тафаккур қилганимизда эришамиз. Асосий кўзланган мақсад ҳам шудир,

"Улар тафаккур қилсингелар учун бу қиссаларни сўйланг"[\[o\]](#)

## Мўғул ҳодисаси ва ҳозирги кунимиз

Тарихдан сўз борар экан, тарихий саналар аҳамияти ва шу билан бирга эътибордан четда қолаётган ҳижрий сана ҳакида бироз тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Исломий тақвим ёки ҳижрий сана, мелодий ۷۳۸ йилда ҳазрати Умар разиаллоҳу анҳу томонидан жорий этилгандир. Ушбу тақвим қамарий тақвим бўлиб, ойнинг ҳаракатига асосланган. Умар разиаллоҳу анҳу ўша даврда амалда бўлган тақвимлар

ўртасида юзага келган зиддиятларни  
бартараф қилиш мақсадида бу  
тақвимни жорий қилган эди.  
Тақвимнинг бошланиш нуқтаси  
сифатида, пайғамбаримиз саллолоҳу  
алайҳи васаллам Маккадан Мадинага  
ҳижрат қилган йилнинг боши,  
Муҳаррам ойининг биринчи куни  
танланган. Биринчи ҳижрий  
сананинг биринчи куни мелодий,  
яъни григорян тақвими ҳисобида ۶۲۹  
йил ۱۷ июлга тӯғри келади.  
Пайғамбаримиз саллолоҳу алайҳи  
vasallamning ҳижратлари эса,  
григорян тақвимининг ۶۲۹ йили  
сентябр ойига, яъни ҳижрий робиъул  
аввал ойига тӯғри келган эди. ۱۸

қамарий ой, ۱ кун фарқ бўлиши  
эҳтимоли билан тахминан ۳۰۴ кунни  
ташкил қиласди, шамсий санадан бир  
йилда ۱۰ ёки ۱۱ кунга камдир.

Хижрий сана мелодий сананинг  
қайси кунларига мувофиқлигини ёки  
бунинг аксини кўрсатиб берадиган  
компьютер программалари етарлича  
ишлаб чиқилган.

Биз имкон қадар баъзилар учун янада  
тушунарли бўлсин, деган мақсадда  
хижрий саналарни тахминан  
мелодий қайси санага  
мувофиқлигини айтиб кетишни  
лозим деб топдик.

Хижрий VII-аср, мелодий сана  
ҳисобида XIII-асрда мусулмонлар  
тариҳида, балки ер курраси тариҳида  
ўта муҳим ҳодисалар рўй берди.  
Яъни ер юзида янги, даҳшатли ва  
мудҳиш бир куч юзага келди ва бу  
куч таъсирида умумий тарзда дунёда  
ва хос тарзда ислом ерларида катта  
ўзгаришлар содир бўлди, бу куч  
мўғул давлатининг кучи эди.  
Мўғуллар қиссаси барча ўлчовларда  
ҳайратомуздир. Қиссада арзимаган  
сондаги мўғул халқининг заиф  
холдан кучли ва кучли ҳолдан заиф  
ҳолга ўтишига жуда оз вакт  
кетганлиги, бунинг барчаси хаёл,  
бўлиши мумкин эмас, дейишимизга

сабаб бўлиши мумкин. Лекин, Оллоҳ таоло бир давлатни азиз ва қудратли, бошқасини эса, хор қилади. Тарихда, инсонлар ва тарих назарида жуда оз саналган халқлар яшаб ўтди, биринчи гал Оллоҳ таоло уларни хор қилган бўлса, бошқа сафар азиз ва қудратли қилди. Мана шундай, Оллоҳ таоло хоҳлаганини азиз ва хоҳлаганини хор қилади. Мулк ёлғиз унинг қўлидадир. Албатта у барча нарсага қодир зотдир.

Киссадаги воқеалар, ундаги қўрсаткичлар, қатл қилинган курбонларнинг, аскарларнинг ва хиёнат- ларнинг сони муболаға даражада ҳайратланарлидир.

Қиссанинг яна ажабланарли ери, ундаги воқеа ва ҳодисалар, бугунги кунимиизда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга айнан ўхшашлигидадир. Гўёки, Оллоҳ таоло бизга ўзининг ер юзида жорий қилган қонунларининг событлиги ва тарихнинг такрорланишидаги ҳақиқатни баён қилишни хоҳлаган- дек. Тарихни баҳс этар эканмиз, мозийдаги бир қанча ҳодисаларнинг, ҳозирда уммат дуч келаётган ҳодисаларга ўхшашлигини топамиз. Уни кўриб чиқмоқчи бўлган қиссамиз, яъни "мўғуллар қиссаси"нинг мисолида кўришимиз мумкин, ҳозирги кунимиизда ҳам уммат учун ўта муҳим бўлган

ходисалар, "мұғуллар қиссаси" юз берган айни минтақаларда ва айни шаклда содир бўлмоқда. Оллоҳ таоло ҳижрий VII-аср, яъни мелодий XIII-асрда уммат ўз бошидан кечирган воқеа ва ҳодисаларни, бугунги кун ҳижрий XV-аср, яъни мелодий XXI-асрда дуч келаётган воқеаларнинг айнан такори қилди. Орадан VIII аср ўтса ҳам, ҳодисалар бир хилдир. Бугун ўша ҳодисалар Афғонистонда, Ўзбекистонда, Ироқда, Фаластинда, Эронда ва бошқа ислом диёrlарида такрорланмокда... Мұғуллар воқеасини ўрганувчи киши, ҳозирги кун билан тарих орасини боғлай олади ва шунингдек, Оллоҳ азза ва

жалланинг халқлар устида ва ер юзида жорий қилған қонунларини фахмлай олади. Бу дарсларимизда ҳар бир воқеага атрофлича, муфассал киришни мақсад қилмадик, агар ҳар бир воқеани муфассал баҳс қилсак, жуда чўзилиб кетиши эътибори билан, воқеалардаги ибрат ўринларини ва уларни замонамизда содир бўлаётган ҳодисаларга ўхашаш жиҳатларини баҳс қиласиз, қисқача мағлубият ва ғалаба сабабларини таҳлил қиласиз, иншааллоҳ. Янада кенгроқ маълумот олишни истаганлар исломий кутубхоналарга мурожат қилишлари мумкин. Оллоҳ субҳанаҳу ва таолодан тавфиқ

сўраймиз ва бу ажиб қиссадаги ҳар  
бир калима ва ҳарфларидан  
барчамизни фойдалантиришини  
илтижо қилиб қиласиз....

## **Оlam Mўғуллар дунё саҳнасига чиққанда**

Мўғуллар ҳижрий VII-асрнинг  
бошларида кучайиб, оёққа турға  
бошлади. Буни фахмлаш учун ўша  
замонда ва ўша пайтда ер юзида ўз  
таъсирини ўтказа оладиган қандай  
кучлар борлигига назар солишимиз  
керак бўлади. Ўша замонда ер  
куррасида иккита асосий ҳукмрон  
кучлар бор эди. **Унинг биринчиси:**

ислом уммати бўлса, **иккинчиси:**  
салибчилар эди.

## **Ислом Мўғуллар дунё саҳнасига чиққанда**

Буларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтсак, ўша вақтда ислом умматининг худуди, тақрибан дунёning ярмига teng келар эди. Ислом мамлакатларининг чегараси шарқдан Хитойдан бошланиб, Осиёдан ўтиб Африканинг бир қанча ўлкаларига, ғарбдан Европа ва Андалусгача етган эди. Худуд нихоят катта, лекин афсуслар бўлсинки, ўша даврда ислом оламининг аҳволи майдонининг

кенглиги, нуфусининг кўплиги,  
молиявий, қурол-аслаҳа, илм-  
маърифат жиҳатдан бўлган  
имкониятлари кенг бўлишига  
қарамай, ўта аянчли бир ҳолатда эди.  
Чунки ислом уммати ичида авжга  
чиққан фитналар, бўлиннишлар юзага  
келган, катта ислом шаҳарларининг  
сиёсий аҳволи кескин ёмонлашган  
эди. Ажабланарлиси, ҳижрий VI-  
асрнинг охирларида қувватли, ғолиб,  
бир бутун ва бош бўлган ислом  
уммати арзимаган ۱۰-۱۱ йил ичида  
шундай ачинарли ҳолатга  
тушишидир. Оллоҳ таолонинг  
қонуни жорийдир,

"Бу кунларни одамлар орасида  
айлантириб турамиз"[\[۷\]](#)

Ўша пайтда ислом олами бир неча  
бўлакларга бўлиниб кетган бўлиб,  
улар орасида биринчиси ва энг  
каттаси Аббосийлар халифалиги эди,  
лекин минг афсуслар бўлсинки,  
ҳижрий VII-асрнинг бошларига  
келиб жуда заиф ҳолатга тушди.  
Аббосийлар халифалиги анчагина  
қадимги халифалик бўлиб, ҳижрий  
۱۳۲ йил, яъни тахминан мелодий ۷۰ .  
йилда Умавийлар давлати  
ағдарилгандан кейин хилофатни  
қўлга олган, ҳижрий VII-аср, яъни  
мелодий XIII-аср бошларида  
такрибан ۱۰۰۰ йиллик умри бўлган ва

Боғдодни ўзига пойтахт қилиб олган халифалик эди. Сўнгра ҳижрий VII-аср бошларида Аббосийлар халифалиги анча заифлашди, ҳатто ҳақиқий суратда ҳукмронлик қила олмай қолди, фақатгина Ироқнинг ўртаси ва атрофигагина ҳукми ўтарди. Ироқнинг атрофида мустақиллигини эълон қилмасада, воқеъликда халифаликдан мустақил бўлган ўнлаб амрликлар бор эди. Ўша замонда Аббосийлар халифалигининг фақат номи қолган эди. Ҳозирги кундаги Британия қироллиги каби, Аббосийлар халифалигининг ҳам фақат тарихий рамзигина қолган эди. Аббосийлар

ислом оламида ०.. йил ҳукм қилиб  
келган бўлсада, айни даврда  
Ироқнинг ўртаси ва жанубий  
қисмигагина ҳукмронлик қилаётган  
эди. Ироқда, Аббосийлар  
халифалигида бани Аббосдан бўлган  
халифалар биринма-кетин алманиб,  
халифа деган буюк исмга эга бўлиб  
келар, лекин ўша пайтда хоҳласалар  
ҳам бу буюк исмга ҳечам лойик  
эмасдилар. Чунки уларнинг бутун  
дарди хаёли дунё тўплаш, ўзининг  
чегараланган ҳудудида султонлигини  
мустахкамлашдан иборат эди.  
Ўзларининг вазифаларига ҳоким  
сифатида сахих назар билан  
қарамадилар, ҳокимнинг

масъулиятларидан бўлган  
давлатнинг тинчлигини, омонлигини  
сақлаш, аскарларини қувватлаш,  
халқнинг майший ҳаётини яхшилаш,  
мазлумларга ҳақларини бериб,  
золимлардан ўч олиш, Оллоҳнинг  
бандаларидаги ҳукмини қоим қилиш,  
маъруфга буюриб, мункардан  
қайтариш, исломга таалуқли бўлган  
барча нарсаларни ҳимоя қилиш,  
қалблар ва сафларни  
бирлаштиришни хаёлларига ҳам  
келтирмадилар. Бутун хоҳишлари  
мумкин қадар узок вақтлар халифа  
бўлиб турса, бас, ундан сўнг тахтни  
фарзандларига мерос қилиб  
қолдирса.... Шунингдек, мол-дунё

жамғаришга, тонгача чўзиладиган базму-жамшид, тантаналар қилишга, куй, мусиқа, чалғу асбобларини тинглашга ҳирс қўйган эдилар. Ўша кундаги ҳокимларнинг аҳволи, ислом умматининг ҳокимига ярашадиган ҳаёт у ёқда турсин, авомдан бўлган оддий кишиларнинг соғлом ҳаёт тарзига ҳам тўғри келмасди.

Халифанинг на ҳайбати ва на иззати қолганди.... Бу ҳижрий VII-аср, яъни мелодий XIII-аср бошларидаги Аббосийлар халифалигининг аҳволи эди.

Ислом оламидаги иккинчи бўлакни Миср, Шом, Ҳижоз ва Яман, деб тасаввур қилиш мумкин. Бу

иклиmlар ҳижрий VII-аср, яъни мелодий XIII-аср бошларида Салоҳиддин Айюбийнинг неваралари бўлмиш Айюбийлар қўл остида эди. Бу ерлар "Ҳиттийн" ва "Ал-арок ал-холида" жангларида Саличилар устидан ғалаба қозонилиб, мусулмонлар қўлига кирган эди. Лекин минг афсус, бу минтақадаги ҳокимлар, бу буюк инсон каби бўлмадилар, тахт талашиши ва бир бутун Айюбийлар давлатини кичик подшоликларга бўлиб олишиди. Шом Мисрдан, Ҳижоз Ямандан ажралди, мустақил бўлди. Балки Шомнинг ўзи, бир неча амирликларга бўлинниб кетди. Ҳимс,

Халаб ва Дамашқдан, Фаластин  
Урдундан ажралиб чиқди.  
Салоҳиддин Айюбий раҳимаҳуллоҳ  
Салибчилар қўлидан оғир машаққат,  
қаттиқ жадаллар ва кўп қонлар  
тўкилиши эвазига озод қилган бу  
ерлар, мусулмонлар ўртасидаги  
бундай хунук тафриқаланишдан  
кейин, яна янгидан Салибчилар  
қўлига ўтади. Ва лаа ҳавла валаа  
куvvата иллаа биллаҳил алиййил  
азийм.

Ислом оламидаги учинчи бўлак,  
Мағриб ва Андалус ўлкаларидир. Бу  
ўлкалар ўша вақтларда муваҳҳидлар  
давлати амирининг қўл остида  
бўлиб, жуда кучли ва қудратли

давлат эди. Шарқдан Ливиядан бошланиб ғарбдан Мағрибгача, шимолдан Андалусдан бошланиб жанубдан Африканинг ўртасигача хукм юргизар эди. Ҳижрий VII-аср бошларига келиб, секин-аста кучсизланиб, сўна бошлади. Ҳижрий ٦٠٩, яъни мелодий ۱۲۱۲ йилда бўлиб ўтган "ал-Иқоб аш-Шаҳиро" жанги, муваҳҳидлар давлатига ҳал қилувчи зарбани берди, натижада бу улкан давлат қулади ва Андалус, Африка ва Мағрибга бўлиниб кетди.

Ислом оламидаги тўртинчи бўлак, бошқа давлатларга нисбатан жуда катта бўлиб, такрибан ислом оламининг бутун шарқий қисмига

хукмронлик қилган Хоразм давлати эди. Хоразм давлатининг майдони бепоён бўлиб, Осиёнинг катта ўлкаларини ўз ичига олган эди. Унинг ҳудуди, шарқдан Хитойнинг ғарбидан бошланиб, ғарбдан Эроннинг катта қисмларигача давом этган эди. Аббосийлар халифалиги билан узоқ ва чуқур келишмовчиликларга борган, улар ўртасида ҳисобсиз даражадаги фитна, ифволар юзага келган эди. Аббосийлар халифалиги билан, Салжуқийлар, Ғурийлар, Турклар ва бошқа мусулмонлар билан мунтазам жанглар олиб борар эди. Хоразм давлатининг нафақат атрофидагилар

билин, ҳатто ўзининг ичида гилар билан ҳам муаммоси етарли эди.

Ислом оламидаги бешинчи бўлак, Ҳиндистон давлати эди. Ҳиндистон агарчи, ҳозирда ҳиндусларнинг ҳукмда бўлса-да, қадимдан ислом ҳукмида эди. У ерда узун асрлар давомида ислом ҳукм сурди, ўша пайтда Ғурийлар қўл остида эди. Сал олдин айтганимиздек, Хоразм давлати билан кўп ва такрор-такрор жанг қилиб турарди. Бу минтақа ҳақиқатан жуда беқарор ва бетартиб минтақа эди.

Ислом оламидаги олтинчи бўлак, Форс минтақасининг ғарбий қисми,

Осиёнинг ўртасида жойлашган кенг минтақа, ҳозирги кундаги Эрон бўлиб, Аббосийлар халифалигига ёнма-ён жойлашган эди. У шия тоифасининг энг хабисларидан бўлган Исмоилия тоифасининг кўл остида эди. Бу тоифа ақидада жуда кўп ихтилофларга борганидан, кўпчилик уламолар уларни исломдан тамоман чиқанлигига ҳукм қилишган, динни фалсафага аралаштириб юборган, асли мажусийларнинг авлодлари бўлган, зоҳирида исломни даъво қилиб, ботини мажусий бўлган, қуръон оятларини нафс-ҳаволарига биноан таъвил қиласидиган, исломдаги

кўпгина фарзларни ҳамда пайғамбар ва шариатни инкор қиласиган тоифадир. Улар салтанат ва мулк ортидан қувганлари сабаб, асосий эътиборларини қурол-аслаҳа, жанг ишларига, қалъа ва қўрғонлар бино қилишга, ҳамда армия ишларига қаратган эдилар. Улар энг хатарли ботиний тоифалар жумласидан ҳисобланади. **Улар исломий шахсиятлар:** халифалар, амирлар ва уламоларга жиноят ва тажовузлар содир этишар эдилар. Бу тоифа Ироқнинг шарқий қисмида ва Хоразм давлатининг ғарбий қисмида мавжуд бўлиб, бу икки давлатдан мустақил эди.

Ислом оламидаги еттинчи бўлак,  
Анадол минтақаси бўлиб, ҳозирги  
Туркиядир. Бу минтақада  
Салжуқийлар ҳукмрон эди. Уларнинг  
асли турклар бўлиб, мозийда буюк  
тариҳ ва катта жиҳодлар  
соҳибларидир. Ал-фазз Алп-Арслон  
раҳимаҳуллоҳ қўмандон бўлган  
даврларда анча қувватли  
ҳисобланган. Бу минтақа Византия  
императорлиги билан ёнма-ён  
жойлашгани сабаб, жуда хатарли ва  
жуда таъсирчан бўлиб, Ал-фазз Алп-  
Арслон раҳимаҳуллоҳнинг  
неваралари ҳукм юргизган даврга  
келиб ўта заиф ва хор ҳолатга тушди.

Юқорида санаб ўтилган  
давлатларнинг ўша вақтда  
мавжудлиги, ислом олами  
Аббосийлар хилофати ҳукмига  
исмдагина кирганини англатади.  
Мулоҳаза қилсак, ўша замонда  
мусулмонлар ўртасида фитна-фасод  
жуда кенг тарқалган, жангү-жадал  
авжига чикқан, гуноҳ ва маъсиятлар  
кўпайган ва мусулмонлар дунёга  
шўнғиган эдилар. Инсонларнинг  
қалбларига кабиралар ўрнашиб  
кетган, ҳатто "палончи пистончига  
зулм қилибди, палончи пистончини  
ўлдирибди, палончи пистончини  
қонини тўкибди", каби гап-сўзлар  
ҳар томонда қулоққа чалиниб

туарди, инсонларнинг қадр-қиймати қолмаган эди. Ким ёки қайси қавм шу ҳолатга тушар экан, бу ҳолат алмаштирилиши аниқ ва турган гапдир. Ислом олами бу шаҳарлардаги анави заиф кимсалар устига бир фожия келишини кутарди, ҳатто улардан кейин бошқа мусулмон авлодлар келиб, Оллоҳнинг изни билан бу ҳолатни ўзгаририб, исломга ҳайбатни, хилофатга қувват ва ютуқни қайтаришини кутарди.

Бу ўша даврда ер куррасидаги биринчи куч, ислом умматининг кучи эди. Лекин афсуслар бўлсинки, узун тарих давомида ислом уммати

эга бўлиб келган бу куч, ўша даврга келиб емирилиш, парчаланиш ва тарқалишга юз тутган эди.

## Салибчилар Мўғуллар дунё саҳнасиға чиққандা

Ўша вақтда ер юзидағи иккинчи куч, салибчилар кучи эди. Шу пайтлар уларнинг маркази ғарбий Европада бўлиб, у ерларда уларга тегишли кўплаб қалъа ва қўрғонлари бор эди. Ўша даврда Европалик салибчилар мусулмонлар билан тинимсиз жанглар олиб боришарди, Англия, Франция, Германия ва Италия насронийлари Миср ва Шомга қарши машҳур салиб юришини қилар,

Испания, Партугалия ва Франция  
насронийлари Андалусдаги  
мусулмонларга қарши кўплаб  
жанглар уюштиришар эди.

Европанинг ғарбидаги салибилар  
гуруҳига қўшимча, оламда ундан  
бошқа салибчи гуруҳлар ҳам бор  
бўлиб, бу гуруҳларниңг адоватлари  
ислом умматига нисбатан ҳаддан  
зиёд даражада эди. Улар билан  
ислом уммати орасида жанглар ҳеч  
тўхтамасди. Салибчи гуруҳларининг  
машҳурларидан Британия  
император- лиги, шарқий Рум  
давлати, бошқача қилиб айтганда  
Византия, яъни Константинополь  
давлати бўлиб, шарқий Европага

хукмрон эди, мусулмон Анадолнинг ғарб томонида жойлашган давлат ҳисобланарди. Византия давлати Ислом давлати билан тарихлар оша аччиқ урушлар қилиб келган, лекин айни вақтда заиф ҳолатга тушганлиги сабаб, ислом уммати ерларига киришга тоқати йўқ эди.

Салиб гурӯҳларидан яна бири, Арманистон давлати бўлиб, Форснинг шимолида ва Анадолнинг ғарбида жойлашган эди. Туркиядаги Анадол минтақасидаги Салжуқийлар билан тинимсиз жанглар олиб боришарди.

Салиб гурухларидан яна бири, Курж мамлакати, ҳозирги Грузия давлати бўлиб, у ерда баъзи маҳаллий васанийлар, яъни бутпарамастлар бўлса ҳам, хукумат насронийлар қўлида эди. Ислом уммати ва Хоразм давлатига қарши мунтазам равишда уруш олиб борарди.

Саличилар ичида ўзлари оз бўлишига қарамасдан жуда хатарли саналган гурухлар бор эди, бунга сабаб, улар ислом оламининг Туркия, Фаластиин ва Шом давлатларининг ичида жойлашганлиги эди. Ҳижрий V-аср ғарбийил, яъни мелодий 10-18 йилдан бери Ислом олами ичида бош

кўтариб келаётган бу салиб амирликларининг машхурлари Антиохия, Акко, Тарабулус ([Триполи](#)), Байрут, Сайда ва бошқа минтақаларда бор эди.

Хижрий VI-аср, яъни мелодий XII-асрнинг охирлари ислом олами учун анча мувофақиятли, Салибчилар учун эса, анчагина ҳалокатли-мувофақиятсиз келди. Хижрий VI-асрнинг охирлари ۹۸۳ йилда, яъни мелодий ۱۱۸۷ йилда Шомдаги "Ҳиттийн" жангида Салоҳиддин Айюбий роҳимаҳуллоҳ салибчилар устидан ғалаба қозонди, бундан ۸ йилдан кейин, ҳижрий ۹۹۱, яъни мелодий ۱۱۹۰ йилда "ал-арок ал-

холида" жангида Муваҳҳидлар давлати бошлиғи ал-Мансур ал-Муваҳҳидий Андалус насоролари устидан ғолабага эришди. Бу икки буюк ғалабадан ҳеч қанча вакт ўтмасдан ҳижрий VII-аср бошларига келиб, мусулмонлар қаттиқ заифлашди. Қувватли дарви билан заиф даври орасида атиги ۷• йил фарқ бор эди.

Бугунги сұхбатимизга шу ерда якун ясаймиз, кейинги сұхбатимизда мўғулларнинг Ислом уммати ерларига бошлаган ҳужумлари, ислом давлатининг қайси ҳудудларига биринчи бўлиб кирганлиги, ислом уммати

мұғулларни қандай қаршилаб олгани  
ва шу кабиларни мулоҳаза қиласыз,  
иншааллох.

Оллоҳ субҳанаҳу ва таолодан унинг  
ер юзида жорий қилган қонунларини  
бидиришини, манфаатли бўлган  
ilmни таълим беришини, таълим  
бергани билан фойдалантиришини ва  
тариҳни бизларга ибрат қилишини  
сўраймиз, албатта у Оллоҳнинг  
қўлида ва у бунга қодир зотдир.

"Ҳали мен сизларга айтаётган  
сўзларни эслайсизлар. Мен ўз  
ишимни Оллоҳга топшиурман.  
Зоро, Оллоҳ бандаларини кўриб  
тургувчиdir"[\[Y\]](#)

## Вассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатух.

---

[۱] Оли Имрон: ۱۰۲

[۲] Нисо: ۱

[۳] Аҳзоб: ۷۰-۷۱

[۴] Юсуф: ۱۱۱

[۵] Аъроф: ۱۷۶

[۶] Оли-Имрон: ۱۴۰

[۷] Фоғир: ۴۴